Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 19 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 55 (6951)

Da'vat

Билим инсонга ҳамма йўлида йўлдошдир.

Д. ГУРАМИШВИЛИ.

Ibrat

«Соғлом авлод учун» жамғармаси билан «Ameri Cares» хайрия жамғармаси ўртасидаги шартнома бўйича республикамизга 15 тонна инсонпарварлик ёрдами келтирилди. У Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги «Меҳрибонлик уйлари»га тарқатилди.

ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС СЕССИЯСИ

17 июль куни Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вазирликлари раҳбарлари, Қорақалпоғистондан сайланган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, қўмиталари, уюшмалари, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияни Жўқорғи Кенгес Раисининг ўринбосари Р. Йўлдошев очди. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. У.Аширбеков бошқа ишга ўтиши муносабати билан ўз аризасига кўра Жўқорғи Кенгес Раиси вазифасидан озод этилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Темур Камоловни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раислигига тавсия этди. Депутатлар Т. Камолов номзодини атрофлича муҳокама қилгандан сўнг, уни Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига биноан ёпиқ овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайладилар.

Сессия Т. Камоловни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия қатнашчилари давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқида баён этилган тавсиялар, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифаларни бажариш юзасидан махсус қарор қабул қилдилар.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов қатнашди.

(ЎзА).

ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам депутатлар!
Азиз қардошлар!
Қадрли дўстлар!

Авваламбор, бу кўҳна заминда сизлар билан кўришиб турганимиздан ғоятда хурсандман. Бугун биз муштарак тақдиримизни, ёруғ истиқболимиз ва равнақимизни бунёд этишдек масъулиятли бир даврни бошдан кечираяпмиз.

Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, қадриятлари, удум ва анъаналари оламга машҳурдир.

Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Адолат ва тенглик, озодлик ва эрк учун курашган Ерназар Олакўз, Оллоёр Дўстназаров сингари халқ қаҳрамонларининг — жасоратли, ўт юракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди.

Миллий маданият ва маънавиятнинг қарор топишига, қорақалпоқ халқининг классик шоирлари Бердақ, Ажиниёз боболар ижодий меросларининг тўла тикланишига, азиз хотираларининг улуғланишига йўл очиб берди.

Бугунги кунда Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов, Тиловберген Жумамуратов каби қорақалпоқ ёзувчи ва шоирларининг асарлари халқларимиз маънавий хазинасидан муносиб жой олди.

Собир Камолов, раҳматли Чаржау Абдиров каби йирик олимлар Ўзбекистон фани ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда кўп миллатли Қорақалпоғистон халқининг, ана шу мўътабар юрт кишиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, элда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланди. Ҳамжиҳатлик билан юрт истиқболи йўлида меҳнат қилишга шароит яратилди.

Республикада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида нодавлат секторнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Айни пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этмоқда.

Қисқа вақт ичида **газ ва газ конденсати ишлаб чиқариш, кабель заводлари, «Элтекс» ва «Катекс» комплекслари, Туямўйин — Нукус — Тахтакўпир сув тармоғи** ва бошқа бир қатор иншоотлар ишга туширилди. Мармар, тиббий бинт ва спирт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 40 фоиздан 59 фоизга етди. Қишлоқларда бу кўрсаткич икки бараварга оширилиб, қўшимча 300 мингга яқин қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Табиий газ билан таъминлаш эса 83 фоизга етказилди. Қўнғирот автомобиль йўли ҳамда Навоий — Учқудуқ — Нукус темир йўлининг қурилиши қўшни давлатларга чиқиш имконини кенгайтиради.

Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу корхона ва иншоотлар, шубҳасиз, мамлакатимиз, хусусан, Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Заводнинг биринчи навбатида **400 минг тонна** табиий туз, иккинчи навбатида **115 минг тонна** кальцийли, **50 минг тонна** каустик сода ишлаб чиқарилади. У тўла ишга тушгач, **2500 киши** иш билан таъминланади, **5000 киши** яшайдиган шаҳарча барпо этилади. 2000 йилда тўлиқ ишга тушириш мўлжалланган мазкур заводнинг нархи **600 миллион** Америка долларини ташкил этади.

Республикада ана шундай кенг миқёсдаги ишлар олиб борилмоқда. Бироқ мавжуд имкониятлар, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа омилларни ҳисобга олсак, **амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги яққол кўзга ташланади.**

Вужудга келган бугунги вазият ҳаммамизнинг чуқурроқ, жиддийроқ ўйлашимизни тақазо этмоқда. Нима учун республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ўз самарасини бермаяпти? Нима учун халқнинг аҳволи яхшиланмаяпти?

Бу каби қатор саволларни таҳлил этиб, Сиз, халқ депутатлари билан биргаликда жавоб излашимиз лозим.

Ўтган йили асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар 1995 йилдагига нисбатан кескин пасайиб кетди. Жумладан, **миллий даромад 16 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 22 фоизга, аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 6 фоизга камайди.**

1996 йилда мавжуд саноат корхоналарининг 20 фоизи ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 550 миллион сўмга камайтириб юборди. Бундан ташқари, сифати пастлиги, харидорлар талабига жавоб бермагани сабабли, бир миллиард 129 миллион сўмлик маҳсулот омборларда йиғилиб қолган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда энг охирги ўринни эгаллайди. **Тахтакўпир, Бўзатов, Нукус, Шуманай, Кегайли туманларида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот 20-30 сўмни ташкил этади, холос.**

«Катекс» ва **«Элтекс»** ҳиссадорлик жамиятларининг янги ишга туширилган қувватларидан 35-40 фоиз фойдаланилмоқда.

Давлатимизда мулк шакли ўзгариб, ҳақиқий мулк эгалари пайдо бўлди. Меҳнаткашлар ҳиссадорлик жамиятларига бирлашиб, қўшимча даромад олмоқдалар. Қорақалпоғистонда эса бу ишлар хўжакўрсинга амалга оширилганлиги сабабли натижа бермаяпти.

Корхоналарнинг номи ўзгаргани билан иш услуби эскилигича қолган. Уларда қимматли қоғозлар чиқарилмаган, ҳиссадорларга сертификатлар берилмаган. **«Хўжайлигўшт», «Кегейлиагрохимсервис», «Нукусснон», «Оролсервис»** ва яна кўпчилик ҳиссадорлик жамиятлари ташкил қилинганидан бери, ўзлари фойда олганига қарамай, ҳиссадорларга дивидендлар тўланмаган.

Устав фондида белгиланган акцияларнинг атиги 6 фоизи сотилган. Ҳиссадорлик жамиятларининг иккинчи эмиссиясини очиш тўғрисида дастурлар ишлаб чиқиш бўйича мутлақо иш қилинмаган.

1996 йилда хусусийлаштирилган объектларда маблағ тушуми бўйича топшириқлар бажарилмаган. Хусусийлашган объектлар ер майдонларини сотиш 42 фоизга, ер участкаларини «Кимошди» савдоси ва танлов орқали сотиш бор-йўғи 6 фоизга бажарилган. **Соҳа раҳбарлари ҳалигача давлат сиёсатининг бу муҳим йўналишини англаб ололмаганлар.**

Қорақалпоғистонда эмиссия, дебитор ва кредитор қарзлари миқдорини камайтириш, бюджетга муддатида тўланмаган қарзларни қисқартириш, нақд пул тушумини таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш ўрнига, **марказдан қўшимча маблағ берилмаётганини баҳона қилиш одат тусига кирган.** Шунга қарамай, мамлакат ҳукумати қорақалпоғистонликларни пенсия ва нафақа билан тўла таъминлаб келмоқда.

Нақд пул назорати, унинг айланиши эътибордан четда турибди. Асосий савдо тармоқларида нақд пул тушуми пастлигича қолмоқда. 1996 йил давомида ғайриқонуний ҳаракатлар, камомад ва ўғирликлар оқибатида етказилган зарар миқдори 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Бироқ айбдор шахслардан етказилган зарарнинг бор-йўғи 15 фоизи ундирилган, холос.

Нақд пул тушумини таъминлайдиган муҳим соҳаларга етарли эътибор берилмаяпти. Аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси паст. Хизмат маданияти ва турлари талаб даражасида эмас.

Қорақалпоғистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисми қишлоқда истиқомат қилади. Шундай экан, аҳолининг тақдири, турмуш даражаси қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг қай йўсинда амалга оширилишига боғлиқ.

Оролбўйи минтақасининг, айниқса, Қорақалпоғистоннинг табиий шароити мураккаб. **Бу ерда сув тақчил, ёз жазирама иссиқ, қиш совуқ келади. Тупроқ ўта шўрланган. Бу ерда деҳқончилик икки-уч баравар кўп меҳнатни талаб этади. Ана шу жиҳатдан қараганда, қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг меҳнатини алоҳида тақдирлаш керак.**

Афсуски, бугун Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида инқирозли вазият вужудга келган. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш даражаси паст. Ирригация ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, уруғчиликка аҳамият бермаслик, деҳқончилик соҳасида янги иш услубларини жорий этмаслик натижасида **кейинги уч йил давомида давлатга 116 минг тонна пахта, 282 минг тонна шоли кам сотилган.**

(Давоми 2-бетда).

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кўқдумалоқ компрессор станциясининг тақдимоти маросимида қатнашиш учун келган, унинг қурилишда ҳамкорлик қилган АҚШ ва Японияниг бир қанча корпорация ва компаниялари раҳбарларини қабул қилди.

«Хорижий сармоялар иштирокида корхоналарга банк хизматини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

Европанинг кўҳна шаҳарларидан бири ҳисобланган Кембрижда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик байрамлари тантаналарида шаҳар ҳокими Дафний Ропер хоним бу икки шаҳарнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси, бебаҳо мероси ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Бишкек шаҳрида ёзувчи Чингиз Айтматов ташаббуси билан бундан 10 йил олдин ташкил этилган «Иссиқкўл анжумани»нинг ЮНЕСКО шафелигидаги навбатдаги учрашувида бир неча халқаро ташкилотлар, давлат бошлиқлари қатнашиши мўлжалланмоқда.

Нью-Йоркда БМТнинг бош ассамблеяси халқаро ҳамжамияти аъзолари мутлоқ кўпчилик овоз билан Исроилнинг Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун турар жойлар қуриш режасини қораловчи қарор қабул қилдилар.

«ТАЪЗИРИ АДАБИЙ» ВА «ИБРАТНОМА»: НИМА? 3-бет.

ПУЛ КЎНГИЛ ЭҲТИЁЖИ БЎЛА ОЛАДИМИ? 4-бет.

Avgust kengashlari oldidan

ЕТТИНЧИ ДОВОН САРИ

Йўлдош САИДЖОНОВ,
Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари.

Халқ таълими ходимларининг бу йилги анъанавий Август кенгашлари Ўзбекистон Республикаси сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти юксалиб, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро халқаро алоқалари мустаҳкамланиб, жаҳонда унинг обрў ва нуфузи кўтарилиб бораётган бир шароитда бўлиб ўтади.

Ўтган олти йил давомида мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантириш ва юксалтириш соҳасида катта ва эътиборга молик ишлар қилинди: «Таълим тўғриси»да Қонуннинг қабул қилиниши, «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Умид», «Амир Темур», «Улуғбек», «Олтин мерос» жамғармаларининг ташкил этилиши, хусусан, 1 октябрнинг «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрами деб эълон қилиниши таълимимиз ривожига қанот бағишлади.

Усиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси Ўзбекистон ҳукуматининг диққат маркази ва эътиборида турибди. Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликни таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари» китобларида: Фарғона (14 февраль). Андижон (30 апрель) вилоят кенгашларининг сессияларидаги, Республика ҳуқуқ-тарғибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда: «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг 1997 йил 5 июнда бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузаларида Республикамиз халқ таълимини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари ва истиқболлари кўрсатиб берилган.

Республикамиз Президенти И. Каримов Озарбайжон Президенти Ҳ. Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида, ТошДУда бўлиб ўтган учрашувдаги нутқида «Кишиларимиз онги, фикрлаш даражаси ўзгариб бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Бу борадаги ишларга бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардандир. Янгича, яъни ҳақиқий маънодаги мустақил ҳаёт кечириш учун, аввало тафаккуримизни бутунлай янгиламоғимиз зарур. Бу жараёнда ёш авлод тарбияси — энг асосий масала», деб ўринли таъкидлаб ўтдилар.

Ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашларида бу материал ва ҳужжатлардан фойдаланиш зарур. Кенгашларни мазмунли ўтказиш жойлардаги халқ таълими бошқармалари ва бўлимларнинг ташаббускорлигига боғлиқдир. Ўқитувчилар анжуманининг ялпи ва шўъба йиғилишлари материалларини тайёрлашда Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг «Таълимимиз истиқлоли йўлида», «Хорижда таълим», «Системы повышения квалификации педагогических кадров», «Мустақил Узбекистон таълими» рисоласидан унумли фойдаланиш керак.

Ҳар йили янги ўқув йили арафасида вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари, ҳокимият ходимлари, халқ депутатлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маориф ходимлари билан учрашувлари, таълим-тарбияни ташкил этишда юзага келган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишлари самарали бўлган.

Ўтган йилларда Август кенгашларини айрим вилоятларда босқичма-босқич, аввал жамоа хўжаликлари тасарруфидаги бир неча мактаблар иштирокида кичик ҳудудларда, кейин туман (шаҳар), вилоят миқёсида ўтказилиши яхши натижа берди.

Ҳудудий (зонал) кенгашларда мактаблар ўз ҳудудий муаммоларини ҳал этиб, тажриба алмашиб, туман-шаҳар

(Давоми 3-бетда).

Abiturient — 97

КЕЛАЖАККА БЎЙЛАЁТГАНЛАР

Абитуриент институт остонасига қадам қўйди. Унинг юз-кўзидаги, ҳатти-ҳаракатидаги андак саросима, андак тараддудланишни сездингизми? Бу эндигина мустақил ҳаётга учирма бўлган содда, нозик кўнгил, тизгинсиз хаёллар эгаси — ўспирин учун табиий ҳолдир. Чунки у бугун институт бўсағасиданмас келажак бўсағасидан бўйлаяпти, у бугун олий ўқув юртигамас, олий, нурли келажакка ўз ҳужжатларини топширяяпти. Биз уларни оддийгина қилиб «абитуриентлар» деб атаймиз. Ислоҳотлар йўлидан дадил одимлаётган мустақил, ёш Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги кўпгина жиддий ислоҳотларида айнан ана шу абитуриентларнинг ҳам манфаатлари, истак-хоҳишлари ўз аксини топгандир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бу йил олий ва ўрта махсус ўқув

(Давоми 3-бетда).

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ЗАРУРИЯТИ

Талабаларнинг иқтисодий билимлари савиясини ошириш ва уларни жаҳон иқтисодиёти янгиликларидан хабардор қилиш мақсадида Навоий Давлат кончилик институти қошидаги ихтисослашган Техника коллежида «Иқтисодиётни ўрганайлик» мавзусида мушоира кечаси ўтказилди. Кечада талабалар ўзларининг чуқур билимлари, кенг мушоҳадалари билан эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканлигини яққол намоён қила билишди.

Мушоира кечасида Навоий вилоят ҳокимининг муовини А. Ҳайдаров, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Х. Фахриддиновлар иштирок этишди.

С. ТОШЕВ.

ЁЗУВЧИЛАР ҲИСОБОТ БЕРИШДИ

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий йил якунларига бағишланган навбатдаги ҳисобот йиғилиши Бердақ номидаги Қорақалпоғистон ДУ филология факультетида ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки ушбу илм даргоҳининг собиқ талабалари орасидан кўплаб шоиру-адиблар етишиб чиққан.

Йиғилишда адиблар замонга мос асарлар яратиш, адабий жараёндаги нуқсонлар ва камчиликлар ҳақида қизғин мунозаралар олиб боришди.

Унда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Т. Қаипбергенов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Қ. Султонов, шоир ва ношир А. Ўтенбергенов ва бошқалар иштирок этишди.

Ғойиб ЁҚУБОВ.

ЖАҲОНИЙ САВЛАТИНГ МУБОРАК

Ғиждивон тумани Говшун қишлоқ маданият уйида Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказилган савол-жавоб кечасининг мавзуси ана шундай номланди. Унда тумандаги 26 ва 44-ўрта мактабларнинг «Фоҳира» ва «Ситораи моҳи хосса» гуруҳлари куч синашдилар.

Буни қарангки иккала гуруҳ аъзолари ҳам жонажон шаҳар тарихининг билимдонлари экан. Улар бир-биридан қолишмасликка ҳаракат қилишди. Омад деганлари эса «Фоҳира» гуруҳига ён босди.

Фотима ИСЛОМ қизи.

ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

1993 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 7,4 центнерга, шоли 13 центнерга, картошка, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш 4-5 бараварга камайиб кетган. Кегайли туманида пахта ҳосилдорлиги 8 центнерга ҳам етмаганини қандай баҳолаш мумкин? Бу ҳол давом этса, эртанги кунимиз қандай бўлади? Кўпайиб бораётган аҳолини нима ва ким ҳисобидан боқамиз?

Қорақалпоғистон замини шоликорлик учун қулай ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисини гуруч билан таъминлашда бу ўлка муҳим ўринни эгаллайди. Бироқ ўтган йили давлатга шоли сотиш режаси 57 фоиз бажарилди. Ҳосилдорлик 22 центнерни ташкил этди. Кегайли, Чимбой, Хўжайли ва Қораўзак туманларида эса 15-18 центнерга тўғри келди.

Ўтган йили 58 минг гектар майдонга буғдой ўз вақтида ва сифатли экилмади. Оқибатда мавжуд майдоннинг 40 фоизида ҳосил униб чиқмади. Қолганидан ҳам 5 центнердан ҳосил олинди, холос. Бу йилги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмаслиги аён бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолатлар фақат ишга совуққонлик билан қараш, лоқайдлик, боқимандалик иллатлари туфайли юз бермоқда.

Суғориладиган ерлардан оқилона ва унумли фойдаланиш масаласи ечилмаяпти. Қорақалпоғистонда кейинги уч йил мобайнида ўртача 40-50 минг гектар ер экилмай қолмоқда. Ер майдонларининг 45 фоизи кучли ва ўрта шўрлантириб юборилган. Зовурларни тозалаш икки-уч баравар камайиб кетган.

Ўтган йили бутун Ўзбекистон бўйича шу мақсадларга ажратилган маблағнинг тахминан 30 фоизи Қорақалпоғистонга берилди. Лекин бунинг натижаси қани?

Ер -- элимизнинг асосий бойлиги, иқтисодимиз ўзаги, тирикчилигимиз манбаи! Ерни топташ, тупроқни эзозламаслик биз, Шарқ халқларининг анъаналарига зид. Нега биз бундай қутлуғ удумларни унутяпмиз?

Деҳқончиликдаги муваффақият, аввало, уруғ танлашдан бошланади. Афсуски, Қорақалпоғистонда уруғчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар бармоқ билан санарли даражада. Ваҳоланки, ҳар бир жойнинг табиий иқлимига, ер шароитига мослаштирилган уруғ заҳирасини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Нима, Қорақалпоғистон шароитига, иқлимига мос уруғни ҳам бошқа вилоятлар тайёрлаб бериши керакми? Бундай вазиятни қандай изоҳлаш мумкин?

Ташкил қилинган машина-трактор парклари фаолияти талабга жавоб бермайди. Улар хўжаликларга хизмат қилаётгани учун, яъни ер ҳайдаб бергани учун 43 фоиз, дон ўриб бергани учун 23 фоиз, бошқача қилиб айтганда, ноқонуний йўл билан қўшимча, устама ҳақ олаётгани аниқланди.

Машина-трактор парклари шу йил май-июль ойларининг ўзида хизмат ҳақини ошириб кўрсатиш ҳисобига, аниқроғи, қип-қизил ғирромлик эвазига 57 миллион сўм ишлаб олган. Беруний, Кегайли, Хўжайли туманларида кенг тарқалган бу иллатни қандай баҳоласа бўлади?

Биринчидан, бу -- шусиз ҳам молиявий ночор аҳволда қолган хўжаликларни талаш, деҳқонларнинг, уларнинг болачақасининг ҳақига хиёнат қилиш.

Иккинчидан, бу -- биз амалда татбиқ этаётган янги техника ва технологияларни жорий қилиш сиёсатини обрўсизлантириш, қадрсизлантиришдир.

Деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича Элликқалъа туманида етарли тажриба тўпланди. Туманда деҳқонларга ер, ишлаб чиқариш воситалари ва етиштирилган маҳсулотларга эгалик қилиш имконини бериш мақсадида мавжуд 14 та жамоа хўжаликлари деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилган эди. Деҳқонларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ерлар узоқ муддатга ижарага берилди. Ана шу тажрибани маъқуллаб, Ўзбекистон ҳукумати махсус қарор ҳам қабул қилган эди. Хўжалик юритишнинг бу янги усули вилоятларда яхши натижа берди. Лекин, минг афсуски, Қорақалпоғистоннинг ўзида ана шу тажрибани оммалаштиришга мутлақо эътибор берилмаяпти.

Қорақалпоғистонда чорвачилик салмоқли ўринни эгаллайди. Бироқ бу соҳадаги ислоҳотлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада уч йил ичида қорамоллар ва қўй-эчкилар сони кескин камайиб кетган. Шу сабабли гўшт ва сут етиштириш 40-45 фоизга пасайди.

Хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари 1996 йилни 71 миллион сўм зарар билан якунлаган, кредитор қарзлари эса 248 миллион сўмга етган.

Мулк эгалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар. Фермер хўжаликларида берилган ердан унумли фойдаланмаслик, ҳисоботларда қўшиб ёзиш, чорва молларини талон-торож қилиш ҳоллари мавжуд.

Республикада 45 минг бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқичилик комплекслари бор. Уларнинг бор-йўғи 20 фоизидан фойдаланилаётганини қандай тушуниш мумкин? Катта маблағлар ҳисобига қурилган бу комплекслар ташландиқ ҳолга келиб қолган.

Қани, айтинглар, барака топгурлар! Қишлоқ хўжалиги соҳасида бундай ночор, ачинарли, ҳеч чидаб бўлмайдиган аҳвол биринчи навбатда Қорақалпоғистон раҳбарларини, мутасадди амалдорларни ташвишга солиши керакми, йўқми?

Умуман, Қорақалпоғистон иқтисодиётидаги бугунги аҳвол Вазирлар Кенгаши (раис С. Авезматов), унинг бўлинмалари ва вазирликлари иш фаолияти замон талабидан орқада эканлигини кўрсатади. Раҳбарларда талабчанлик, фидойилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик етишмайди.

Оддий бир ҳақиқат бор — буни барчамиз чуқур англаб олишимиз даркор: қандай ишласак, шундай яшаймиз. Ҳеч ким четдан келиб, мушкулимизни осон, рўзғоримизни бут қилиб бермайди. Нимагаки эришсак, фақат ўз кучимиз, меҳнатимиз ва салоҳиятимиз билан эришамиз.

Ҳурматли депутатлар!

1997 йилни биз Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилдик. Шу мақсадлар йўлида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин эҳтиёжларни қондириш, авваламбор, иқтисодиётнинг барқарорлиги ва корхоналарда ишлаётган одамларнинг даромадига боғлиқ. Қорақалпоғистон иқтисодиётидаги қолоқлик сўзсиз аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Гап инсон манфаатлари тўғрисида кетганда, мен Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик вазият тўғрисида гапирмай ўта олмайман. **Шу ўринда биргина Мўйноқ тумани ва унинг атрофидаги ҳудудларда вужудга келган вазият тўғрисида тўхталмоқчиман.**

Кейинги икки йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 70 фоизга, қурилиш қўлами 2 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3 бараварга камайиб кетган.

Шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ачинарли даражада. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тўла қондирилмаяпти.

Туман марказий шифохонасида врачлар етишмайди, биноси таъмирга муҳтож, дори-дармонлар билан атиги 25 фоиз таъминланмоқда. Бундай шароит, бундай вазият ҳаммамиздан қатъий, ҳеч чўзиб бўлмайдиган чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади. Агар бу ҳудудни сақлаш керак бўлса, уни **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини** ишлаб чиқишимиз керак. Бу -- бизнинг бурчимиз.

Барчангизга маълум, Марказий Осиё давлатлари иштирокида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича Давлатлараро кенгаш тузилди. Бу Кенгаш халқаро молиявий тузилмалар ҳамкорлигида Оролбўйи аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилиш, уни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа йўналишлар бўйича муҳим лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

Мамлакат ҳукумати ҳам бу масалаларда Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, 1996 йили ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонга берилаётган молиявий ёрдам миқдори 1994 йилга нисбатан 18 баробар кўпайди.

Сиз, халқ ноибларига маълумот беришим керак. **Бугунги кунда Ўзбекистон марказий бюджетидан Қорақалпоғистонга берилаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам миқдори 9 миллиарддан ошиқ сўмни, ёки бутун Қорақалпоғистон бюджети харажатларининг 75 фоизини ташкил этмоқда.**

Республика раҳбарияти ана шу рақамларни жиддий таҳлил қилиши, ўлкани боқимандалик ҳолатидан олиб чиқиш йўлларини ахтариши, топиши зарурми, йўқми?

Ҳурматли депутатлар!

Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий манфаати, маданий ва маънавий, ақлий лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқини ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бугунги куннинг устувор масаласидир.

Афсуски, Қорақалпоғистонда аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш, уларга тиббий, маиший, маданий хизмат кўрсатиш кўнгилдагидай эмас. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан: Қорақалпоғистонда тўлиқ имконият бўлгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Биргина 1996 йилда четдан 57 миллион АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинди.

Савдо тармоқларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Хусусийлаштирилган савдо дўконларининг 60 фоизи ҳозирги кунда фаолият кўрсатмайди.

Мана шундай мураккаб аҳволда, халқнинг, аҳолининг талаби қондирилмаган бир пайтда, шахсий манфаатни кўзлаб, 1995 йилда 574 тонна, 1996 йилда 777 тонна озиқ-овқат маҳсулотларини Қорақалпоғистон чегарасидан четга олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилинган. Ахир бу халқ ризқига хиёнатку! Энг ачинарлиси, бундай ноқонуний ҳаракатларга баъзи раҳбарлар ва божхона ходимлари томонидан ҳомийлик қилиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Туман ва шаҳар бозорларида деҳқонларга шароит яратилмаган. Шуманай туманида эса умуман бозор йўқ. Аҳоли ўз эҳтиёжини қондириш учун 50--80 километр йўл босиб, Қўнғирот ёки Хўжайли бозорларига боришга мажбур. Қарийб 250 минг аҳоли яшайдиган Нукус шаҳрида атиги битта бозор бўлиб, у ҳам санитария талабларига жавоб бермайди.

Иккинчидан: аҳолининг уй-жойга, ижтимоий, маданий иншоотларга бўлган талабини қондириш аянчли аҳволда. 1996 йилда 1995 йилга нисбатан уй-жой қурилиши ҳажми шаҳарда 50 фоизга, аҳоли маблағлари ҳисобидан қурилиш 3 бараварга камайган. Бу муҳим ишга Амударё, Беруний, Қўнғирот, Мўйноқ ва Бўзатов туманларида эътибор берилмаяпти. Шу кунга қадар якка тартибда уй-жой қуриш учун кредит сўраб берилган 2000 дан ортиқ ариза қондирилмаган.

Жойларда аҳоли учун арзон қурилиш материаллари тайёрлаш ва сотиш етарли даражада ташкил этилмаган.

1996 йил якунлари бўйича Қорақалпоғистонда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури бажарилмаган. Икки йил давомида биронта болалар боғчаси, 1996 йил давомида эса биронта касалхона қурилмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг ўзида 11 миллиард сўмлик 116 та қурилиши тугалланмаган объект мавжуд.

Учинчидан: Қорақалпоғистонда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам муаммога айланган. Қишлоқларда хусусий ва кичик корхоналарни ташкил этиб, янги иш жойлари очишга етарлича аҳамият берилмаган. Ҳозиргача фаолият кўрсатаётган бундай корхоналарнинг бор-йўғи 40 фоизи қишлоқларда жойлашган. Лекин уларнинг сони ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар 1993 йилда қишлоқларда 416 та кичик цех ташкил этилган бўлса, 1994 йилда уларнинг сони 32 фоизга камайган. Меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 9 мингдан ошиб кетган.

Уларнинг тақдири билан ким шуғулланиши керак? Ҳар бирининг орқасида оиласи, болачақаси, уларнинг таъминоти борку! Вазирлар Кенгаши бу муҳим масалага қачон жиддийроқ қарайди?

Тўртинчидан: соғлиқни мустаҳкамлаш, таълим-тарбия, тиббий ва маданий-маърифий ишлар инсон манфаатини таъминловчи асосий йўналишлардан биридир.

Қорақалпоғистонга 1991 йилдан бери халқаро жамғармалар томонидан келаётган инсонпарварлик ёрдамининг на учини, на охирини топиб бўлади. Аҳоли орасида эса, келган дори-дармонларнинг, тиббиёт анжомларининг нотўғри тақсимланаётгани, муҳтож аҳолига етиб бормаётгани норозиликларга сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолга чек қўйиш керак. Айниқса, ЭКОСАН жамғармаси раҳбарияти ана шундай ҳақли эътирозлардан тегишли хулоса чиқариб олмоғи лозим.

Ҳурматли депутатлар!

Юксак маърифатли, ҳар томонлама салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифа олдимизда турибди.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун, энг аввало, оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим.

Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Мактаблар, умуман, халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас. Қорақалпоғистон замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган иккита нашриётга эга бўлишига қарамай, 500 минг нусхадан зиёд дарслик етишмаслигига нима дейиш мумкин?

Ҳозир таълим-тарбия бўйича Ўзбекистон Миллий дастури тайёрланмоқда. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси мазкур масалага дахлдор бўлган янги қонун лойиҳасини кўриб чиқмоқчи. Бу давлатимизнинг мамлакатнинг XX1 асрдаги тараққиётини белгилайдиган сиёсий стратегиясидир.

Шу жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам ана шундай узоқ муддатли, республика келажагига кафолат берадиган дастурлар ишлаб чиқиш лозим, деб ўйлайман.

Ёш авлодни соғ ва комил этиб тарбиялашда спортнинг роли катта. Қорақалпоғистон шаҳар ва туман марказларида бор-йўғи 5 та стадион мавжуд. Кўпгина спорт майдонлари қаровсиз аҳволда. 55 фоиз мактабларда спорт заллари, 25 фоизида ҳатто спорт майдончалари ҳам йўқ. Мактабларнинг ўзида 1200 дан ортиқ жисмоний тарбия ўқитувчиси етишмайди.

Бутун мамлакатда спорт оммавий тус олган бир пайтда Қорақалпоғистон футбол бўйича олий лигада қатнашмаётганини қандай баҳолаш керак?

Республика радио ва телевидениеси, газета ва журналларида бугунги кунимизга мос эшиттиришлар, саҳифалар ташкил этилмаган. Телевидение ва радионинг техник жиҳозланиши етмишинчи йиллар даражасида қолиб кетган.

Энди инсоннинг ҳуқуқий муҳофазаси масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Қонунчилик, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш давлат аҳамиятига молик сиёсатдир. Бу соҳада ҳам қатор жиддий нуқсонлар мавжуд.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида сансалорлик, тергов муддатларининг бузилиши ҳолатлари мавжуд. 1996 йилда 77 та жиноий иш бўйича тергов муддатлари бузилган, 69 жиноий иш қайта терговга юборилган. Ички ишлар бўлимлари томонидан 48 та жиноят ҳисобдан яширилган.

Судьяларнинг касб малакалари етарли эмаслиги оқибатида аксарият ҳолларда қонунга хилоф қарорлар қабул қилинган. 1996 йилда кассация ва назорат тартибида судланганларнинг салкам 12 фоизига нисбатан суд ҳукмлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Судлар томонидан терговга қайтарилган ҳар иккитадан битта жиноят иши бўйича суд ажримлари кассация босқичида бекор қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида судлар томонидан йўл қўйилган хатоликлар кассация босқичида аниқланмаганлиги ва тузатилмаганлиги сабабли, кўплаб қонунсиз ҳукмлар кучга кириб кетган. Бир вақтнинг ўзида Олий суднинг ўзи томонидан чиқарилган ҳукмларнинг қарийб 20 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Азиз дўстлар!

Биз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ишини, демократик жамият қуриш ва эркин бозор муносабатларини татбиқ этиш йўлида қабул қилинган қонун ва қарорларни юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг сафингизда турмушнинг аччиқ-чучугини кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган нуронийларимиз, фан, маданият ва маърифат соҳасининг атоқли намояндалари борлигидан фахрланамиз.

Бугун Қорақалпоғистон ўлкасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиб олиш вазифаси кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ. Бунда қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилиниши, уларнинг ижро интизомига риоя этилиши муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар бу борада бир қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгаши фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳоллари учрайди. Амалий фаолиятда қонунчилик ишларига халақит бераётган расмиятчилик, ҳужжатбозлик, бўлар-бўлмас маълумотлар, ҳисоботлар тўплаш каби нуқсонлар мавжудлиги сезилмоқда.

Бундай ҳолатлар кўпинча кадрлар тайинлаш масалаларида кўринмоқда. Мисол учун, белгиланган «тартиб»га асосан, бир-гина хўжалик раҳбари ишга тайинланишидан аввал, номзод ўзидан юқори турган катта-кичик 34 раҳбарнинг суҳбатидан ўтиши керак. Расмиятчилик бундан ортиқ бўлиши мумкинми?! Бу иллатлардан қачон қутуламиз?

Жамоа хўжалиги раисларини тумандаги мутасадди раҳбарлар тавсия этиб, ҳукумат раҳбарлари танлагани ва тайинлагани маъқул эмасми?

Жўқорғи Кенгес Раиси қошида тузилган Маслаҳат кенгаши фаолиятини ҳам қайта кўриб чиқиш лозимлигини тавсия этмоқчиман. У олдинги советлар давридаги «Олий Совет Президиуми» фаолиятини бажаришга ўтиб олган.

Жўқорғи Кенгес қўмиталари фаолияти ҳам такомиллаштиришни талаб этади. Уларда муҳокама қилинаётган масалаларнинг 60 фоизи хўжалик ишларига боғлиқ муаммолардир. Бундай иш фаолияти билан қонунчилик ва унинг ижросини таъминлаб бўлмайди.

Тартиб ўрнатмоқчи бўлсак, ҳар бир бошқарув тизими, ҳар бир раҳбар орган, аввало, ўз тасарруфида белгиланган, топширилган ишлар билан шуғулланишини таъминлаш зарур.

Лўнда қилиб айтганда:

биринчидан, ижро ҳокимияти масъулиятини, жавобгарлигини ошириш лозим;

иккинчидан, шу билан бирга, унинг эркинлигини ҳам таъминлаш керак.

Биз танлаган йўл -- ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўли. Биз танлаган йўл -- фуқаролик жамиятини шакллантириш йўли. Шунинг учун ҳокимиятнинг тармоқланиши масаласида энг демократик тамойилларни амалда жорий қилишимиз даркор.

Қонунчилик ҳокимияти -- Жўқорғи Кенгес бир томонда, ижро ҳокимияти -- Вазирлар Кенгаши иккинчи томонда, суд ҳокимияти бошқа бир томонда. Биз ана шу уч ҳокимиятнинг алоҳида-алоҳида дахлсизлигини, мустақиллигини йўлга қўймас эканмиз, улар ўртасидаги демократик муносабатлар принципларини тикламас эканмиз, жамиятда мутаносибликни, бошқарувда ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

Ислоҳотларнинг муваффақияти кадрлар малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янгича фикрлашига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, ҳалол ва пок, талабчан ва қатъиятли, халқпарвар инсонлар бошчилик қилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу сабабдан бугун ватанпарвар, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган, ўз эл-юртига хизмат қиладиган инсонларни, биринчи навбатда ёшларни ёнимизга олиб, тарбиялаб, ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак.

Афсуски, Қорақалпоғистонда бу муҳим ишга, вазифага жиддий қаралмаяпти. Ҳамон эскича ишлайдиган, замон талабларига етарли жавоб бера олмайдиган кадрлардан воз кечилмаган.

Айрим раҳбарлар орасида боқимандалик кайфияти шунчалик ривожланганки, уларнинг назарида ҳамма нарса давлат ҳисобидан бўлиши керак. Бундай эскилик асоратларидан қутулиш лозим.

Халқнинг дардига қулоқ солмайдиган, унинг оғирини енгил қила олмаган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган бепарво раҳбарлардан воз кечиш керак.

Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ишларида кўпинча юзаки қараш, шошма-шошарлик ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Кегайли, Қораўзак, Чимбой туманларида кейинги икки йил ичида, Шуманай туманида 1996 йилнинг ўзида 100 фоиз хўжалик раҳбари алмаштирилган. Афсуски, бундан кўзланган мақсадга эришилмаган.

Кадрларни танлаш ва тайинлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик иллатлари ҳам йўқ эмас. Мен бу масалага алоҳида тўхталмоқчиман.

Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик -- миллат кушандаси! Яъни миллатни портлатиб юборадиган балодир. Биз қанчалик уруғ талашсак, алоҳида-алоҳида қабилалар атрофида ўралашиб қолсак, шунчалик майдалашамиз, тор уруғ-аймоқчилик доирасида қолиб кетамиз. **Замон оламга кенгроқ қарашни, катта масалалар билан шуғулланишни, йирик муаммолар хусусида ўйлаб, кенгроқ фикрлашни тақозо этади. Ана шундан келиб чиқиб, дунёга кенгроқ қарайлик. Миллий бирлик, миллий яхлитлик, миллий бир бутунлик -- миллий равнақ асосидир.**

Албатта, биз ҳар биримиз миллатпарвар бўлишимиз, ўз миллатимиз ўтмишини, унинг келиб чиқиш тарихини ўрганмоғимиз керак. Ким қандай уруғ ва аймоқлар зотидан чиққанини билишнинг зарари йўқдир, лекин, **авваламбор, умуммиллат манфаати, унинг обрўси, қиёфаси ва келажаги учун бирлашиб интилишимиз керак.**

Бугун бошқарув тизимига миллати, элати, уруғидан қатъий назар, эл ишончига сазовор бўлган, масъулиятни ҳис қила оладиган, халқни ўзига эргаштира биладиган раҳбарлар кириб келмоғи зарур.

Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз ўрнига давр талаби даражасидаги кадрларни тайёрлаши керак. Атрофига қобилиятли, билимли, ҳар томонлама етук мутахассисларни тўплаб, уларни тарбиялаши лозим.

Қорақалпоғистонда иқтидорли, ташкилотчи ёш кадрлар кўп. Улар нималарга қодир эканликларини кўрсатиб келишмоқда. Биз ёшларга ишонамиз.

Биз янгича ишлайдиган, янгиликнинг моҳиятини тушунадиган, ташаббус кўрсатиб ишлайдиган, эл-юрт ташвишини зиммасига оладиган ёшларни қўллаб-қувватлаймиз. Уларга иқтидори ва билимига қараб, масъулиятли вазифаларни топшираверамиз. Зотан, янгилик бор жойда ўзгариш бўлади, яратиш, бунёд қилиш имконияти туғилади.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз ватандошлар!

Қорақалпоғистон худди ана шу жиҳатдан қараганда, жуда катта имкониятларга эга бўлган ўлка. Энг муҳими, унинг меҳнатсевар, қийинчиликларни мардонавор енгадиган иродали халқи бор. Бундай халқ билан ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин. Бунинг учун раҳбарият, маҳаллий ҳокимият органлари замон талабларига мос равишда иш тутишлари, **одамларни ўзларига эргаштира олишлари лозим.** Ўйлайманки, бу борада янги қадамлар қўйилади.

Мен қорақалпоқ халқини яхши биламан ва унинг инсоний фазилатларини юксак қадрлайман. Ана шу фазилат Қорақалпоғистон ҳаётида кескин ўзгариш ясашига қатъий ишонаман.

Бугун шу минбардан туриб, сиз, азиз дўстларимга, сиз орқали бутун Қорақалпоғистон аҳлига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилайман.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

«ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА Е»

деган нақл ота-боболаримиз ҳаётида кўп синовлардан ўтиб тасдиқланиб, тилимизда ўрнашиб қолган. Бундан ҳозирги авлодлар ҳам самарали фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими муассасаларини 1997-98 ўқув йилига ва кузги — қишки мавсумга тайёрлаш тўғрисида»ги буйруғи ёзнинг айни чилла палласида чиқарилган муҳим ҳужжатдир. Унда таъкидланишича, Республика таълим муассасаларининг 1996-97 ўқув йилида ўқув муассасаларини ёқилғи — энергетика ресурслари билан таъминлаш, уларга коммунал хизмат кўрсатиш бирмунча яхшиланган. «Бироқ айрим вилоятлар, шаҳарлар, туманлар халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари ўқув-тарбия муассасаларини куз-қиш мавсумида узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминловчи чора — тадбирлар етарли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Назорат инспекцияси томонидан 1996 йил сентябрь — октябрь ойларида Навоий ва Фарғона вилоятлари таълим муассасаларида ўтказилган текширишда йўл қўйилган камчиликлар, кўзбўямачиликлар ҳаққоний кўрсатиб берилди».

Бунда тузилган штабларнинг жойларга бориб ҳақиқий аҳвол билан танишиш ўрнига ахборот йиғиш билан овора бўлингани буйруқда алоҳида таъкидланган.

Буйруққа асосан тадбирлар ишлаб чиқилди. Вазирлик қошида вазир ўринбосари Муртазо Султонов раҳбарлигида штаб тузилди. Унга таълим муассасаларини 1996-97 йил куз-қиш даврида ишлашга таёрлашда йўл қўйилган хато ва камчиликларни жойларга чиқиб танқидий таҳлил этиш, шу асосда муаммоларни ҳокимликлар билан ҳамкорликда бартараф этиш вазифаси юкланди.

Шу билан бирга вилоятлардаги штаблар ҳам ишини шу аснода йўлга қўйиш ҳар ўн кунда вазирлик штабига тезкор маълумот бериб туриш топширилди.

Халқ таълими вазирлигида ушбу буйруқ ижроси бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Штаб бошлиғи Муртазо Султонов муассаса раҳбарларини мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга чақирди. Штаб бугундан жойларда ўз ишини бошлайди.

Мухбиримиз.

ҲЕЧ КИМДАН ПУЛ СЎРАМАДИК

Қарши туманидаги «Маърифат» номли 23-ўрта мактабга ташриф буюрганимизда раҳбардан тортиб, муаллимлару барча ишчи ходимларгача ҳамма-ҳаммаси мактабда экан. Уларнинг барчаси таъмирлаш иши билан банд. Хоналарни, залларни, теварак-атрофни айландик. Оқлаш ва буёқлаш ишлари тўлиқ якунланибди. Мингдан зиёд стул, 555 та стол, 26 та эшик 32 та дераза қайта таъмирдан чиқарилган. Мавжуд 42 та фан хонасининг 38 таси тўлиқ таъмирдан чиқарилибди...

— Таъмирлаш учун керакли маблағларни қаердан олаяпсизлар? — деган сўроғимизга мактаб директори Элбой ака Қузиев шундай жавоб қайтарди: — Кейинги 2-3 йилдирки мактабимиз жамоаси 7 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Бу йил ҳам ана шу ерга пахта экканмиз...

Гапнинг индаллосига келсак, деҳқончилигимиздан топган оз-моз маблағимиз бор. Мактабимизни ҳам уша маблағимиз ҳисобидан таъмирлаяпмиз.

Мактаб раҳбари билан бирор соат суҳбатлашдик. Мактаб жамоаси анча катта — 170 нафар ўқитувчи ва 1700 нафарга яқин ўқувчи бор. Айтиш мумкинки, мактаб жамоаси ўқув йилини ҳамма соҳалар бўйича юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Ҳозир янги ўқув йилига тайёргарлиқ кўриляпти.

Энг қувончли томони шу ердаки, жамоа аъзоларининг кайфиятлари юқори, уларнинг ором билмас қалбларида қат-қат орзулар туғён уриб турибди. Орзулар йўлида интилишлар борми, билингки, меҳнатда ютуқлар мулкул бўлади...

Абдували ОБИДДИНОВ,
ўз мухбиримиз.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ

Германиянинг Штутгарт университетида ишланган самолёт қуёш энергияси ёрдамида уча олади, яъни ёқилғи ёқмайди. «Қуёш қуши» соатига 120 километр тезликда ҳаракатланади. Инженерлар бу самолётнинг келажакда ниҳоятда такомиллашиб кетишига умид қилмоқдалар.

ШАМОЛ КУЧИ

Безарар табиат кучларидан фойдаланишнинг ажойиб усули даниялик олимлар томонидан йўлга қўйилмоқда. Улар узунлиги 200 метр, 6 та мептага ўрнатилган 5 та улкан елканли замонавий кемани яратишмоқда. Олим Йоран Вилке фикрича, бу кема 50 минг тонна юк кўтариши билан бирга экологик жиҳатдан бутунлай хавфсиз.

ЎСИМЛИК ОЛАМИДАН

Усимлик толаларидан саноатда фойдаланиш имкониятларини ўрганаётган Буюк Британия олимлари ажойиб натижаларга эришдилар. Буни қарангки, зиғир толасининг полипропилен моддаси билан булган бирикмасидан автомобиль кузови ясаш мумкин экан. Олимлар шу йил ичида режаларини амалда қўллашга киришиш пайида.

Yangi kitoblar

«ҚАНОТ ВА ҚАНОАТ»

Таниқли журналист Ислом Усмоновнинг навбатдаги китоби ана шу ном билан аталган. Унга истиқлол фидойилари ҳақидаги публицистик очерклар киритилган. Очеркларда шаҳсга сиғиниш йилларидаги қатағонлар, зўравонлик, зулм ва бўхтонлар ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилади. Мангуликка кўз юмган қатағон қурбонлари булган ҳамюртларимизнинг гуноҳлари «маърифатга ошно булганлигида, эркинликка, истиқлолга интилганида» эканлигини муаллиф далиллар орқали исботлайди.

Китобдаги «Армон», «Зиёкор қисмати», «42-хона» тутқуни», «Мен яшашни истайман» сингари очеркларда халқимизнинг таниқли фарзандлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Носир Саидий, Абдуваҳоб Ибодиев кабиларнинг тақдирлари ҳақида ҳикоя қилинади. «Қўқонлик халқ ўқитувчиси Абдуваҳоб Ибодиевга 1936 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвони берилганди, — деб ёзади муаллиф. Сўнг давом этади: — Минг афсуски, қатағон йилларида А. Ибодиев сингари тақдири қулга айланган халқ маорифи жонкуярлари сон-саноқсиз булган. Улар миллий мактаб яратиш борасида беозор умидларини рўёбга чиқаролмай, шу йўлда шаҳид булишди...»

Ислом Усмоновнинг «Қанот ва қаноат» китобидаги тарихий очерклардан мактаб ўқитувчилари ўқувчилар билан Узбекистон мустақиллигига бағишланган суҳбатларда фойдаланишлари мумкин, деб ўйлаймиз. Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан 10 минг нусхада чоп этилган.

ЮКСАЛАВЕР «АЛАНГА»!

Болажонларнинг ёзги таътилини сермазмун ўтказиши ҳар доим катталар диққат марказида булади. Шу боисдан булса керак ёзда кимдир ўғил-қизини етаклаб тоғу-тошларга, дарё буйларига бориб сайр қилишга, яна кимлардир уларни дам олиш масканларида таътилни ўтказишларига қизиқади. Биз Навоий шаҳридаги Муқимий номли 8-сон ўрта мактабда ташкил этилган «Аланга» болалар оромгоҳида булганимизда бу ерлик ота-оналар ўз фарзандларини ушбу масканга жўнатиб жуда тўғри қилишганига амин бўлдик.

Ўн беш нафар меҳрибон тарбиячи ва ёрдамчи ходимлар фаолият кўрсатаётган оромгоҳда ўқувчиларнинг ёзги таътили давомида жами 500 га яқин турли миллатта мансуб ўғил-қизлар дам олиши кўзда тутилган. В. Турғунова, Т. Богарова, З. Хабибулина, Д. Ҳакимова, А. Зернова, Л. Бобоқулова, Н. Плюсова, Р. Ларионова, К. Бурнева каби малакали тарбиячилар болажонлар ёзги таътилини янада сермазмун қизиқарли воқеаларга бой ўтишини таъминлашга катта эътибор бермоқдалар.

«Аланга»га ҳомийлик қилаётган «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти ва вилоят касаба уюшмаси раҳбарларига ўзимизнинг қайноқ миннатдорчилигимизни билдирамиз», — дейди биз билан суҳбатда «Аланга» ўқувчилар ёзги оромгоҳи раҳбари Рюйтли Нина Петровна.

Дарҳақиқат, ҳомийлар яратиб берган шарт-шароитларни кўрганингизда дилингиз яйрайди. Оромгоҳда дам олаётган ўқувчилар учун ухлаб ҳордиқ чиқариш учун ҳозирланган хоналарнинг шинамлиги, озода ва салқинлигини кўрганингизда рости сиз ҳам бола булиб бу ерда мазза қилиб дам олгингиз келади. Мазкур дам олиш масканида ҳар куни турли тадбирлар, ижодий кечалар ўтказилади. «Эртаклар оламида», «Биз Узбекистонда яшаймиз», «Салом ёз», «Китоблар — яхшиликка етаклар» каби кеча ва фестиваллар болажонларда, айниқса, яхши таассурот қолдирмоқда.

Яна бир қувончли воқеа. Яқинда Навоийда ўтказилган шаҳар спартакиадасида оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизлар спортнинг барча турлари бўйича биринчиликни қўлга киритишди. Бу муваффақиятга эришишда жисмоний тарбия ўқитувчиси гимнастика бўйича спорт устаси Тамара Бочарованинг хизматлари катта бўлди.

Норали ОЧИЛОВ.

Oltin yoz — o'tmoqda soz

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Бугун болажонлар ёзги таътил кунларини оромгоҳларда мазза қилиб дам олиб ўтказишмоқда. Шундай масканлардан бири Республика Халқ таълими вазирлигига қарашли «Ёшлик» соғломлаштириш марказидир. Ҳозирги кунда бу ерда шаҳарликларнинг 350 нафарга яқин ўғил-қизлари мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Дам олиш масканида ҳордиқ чиқараётганларнинг сайру саёҳат ва машғулотлардан кейинги бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун бу ерда тез-тез қизиқарли кинофильмлар намойиш этиб турилади, концерт дастурлари ташкиллаштирилади.

Шулар қаторида замонавий футбол ўйингоҳларидан қолишмайдиган стадион ўқил-қизлар хизматида. Болалар бу ерда турли хил спорт ўйинлари билан шуғулланишмоқда. Масалан, волейбол, бокс, футбол бўйича мусобақалар ўтказилиб турилибди.

Хуллас, табиат қўйнида ўтаётган ҳар бир кун ўғил-қизлар қалбида чуқур из қолдираяпти.

С. АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТДА: ўқувчилар сайрда.

ЕТТИНЧИ ДОВОН САРИ

(Боши 1-бетда).

кенгашларига ўз вакилларини сайлайдилар, тўплаган илғор тажрибаларини алмаштириш учун тавсия этадилар. Унда жамоа хўжаликлари, қишлоқ кенгашлари вакиллари қатнашадилар. Туман, шаҳарларда ўтказиладиган Август кенгашлари фанлар бўйича шўъбалар йиғилишларидан кейин ялпи мажлис тарзида ўтказилиб, унда туманлардаги барча таълим муассасалари раҳбарлари, туман халқ таълими бўлимлари ходимлари, туман ҳокими, ҳокимликнинг барча турдаги хизматлар бўйича масъул ходимлари, соғлиқни сақлаш ходимлари ҳам иштирок этадилар. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири ўтган ўқув йилидаги ишларни сарҳисоб қилиб, келгусида режалаштирилган ишлар, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳақида маъруза қилади. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, ташкилий жиҳатдан анжуманнинг ялпи ва шўъба йиғилишлари рангбаранг ўтиши мумкин.

Халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашлари ялпи ва шўъба йиғилишлари мактабда анча йиллардан бери ишлаб, катта тажриба орттирган устозлар учун ҳам, муаллимлик касбига энди қадам қўяётган ёш ўқитувчилар учун ҳам ҳар тараффлама фойдали бўлиши, қатнашувчиларнинг илмий-назарий ва амалий камолотига, ўсишига, руҳан ва маънан бойишига ёрдам берадиган муҳим воқеа бўлиши лозим. Қуруқ ҳиссиз, ўз-ўзини мақташдангина иборат анжуман ҳеч кимга наф бермайди. Аксинча, унда туман, вилоят (шаҳар) ва Республика миқёсидаги таълим-тарбиянинг аҳволи чуқур, атрофлича таҳлил этилса, ютуқ ва камчиликлар қиёсланса, тегишли хулоса чиқарилса, муаммолар аниқланиб, уларни ечиш йўллари белгилаб олинсагина анжуман самара беради. Шунингдек, анжуманда бир ўқув йили давомида энг юксак кўрсаткичларга эришган жамоалар, интилувчан ва ташаббускор ўқитувчиларни, ўқувчилари Республика миқёсида ўтказилган олимпиада ва бошқа танловларда ғолиб чиққан муаллимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини ҳам ҳал этиш айни муддаодир.

Анжуманинг ялпи йиғилишларида қилинадиган асосий ва қўшимча маърузалар мавзуларини белгилаб олиш айниқса, муҳимдир.

Маърузаларда бир ўқув йили мобайнида туман (шаҳар) ХТБлари томонидан режа асосида бажарилган ишлар ҳар томонлама мукаммал ўз аксини топиши лозим. Бундан ташқари, янги ўқув йилида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, долзарб муаммолар баён этилиши керак.

Халқ таълими вазирлиги анжуманнинг ялпи йиғилишларида муҳокама қилиш учун қуйидаги мавзуларни тавсия этади:

1. 1996/97 ўқув йили якунлари ва янги ўқув йилидаги вазифалар:

2. Узбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури»нинг лойиҳаси ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш юзасидан таклифлар.

3. Президентимиз И. А. Каримов асарларида Республикамизни сиёсий, ижтимоий — иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари.

4. «1997 йили Инсон манфаатлари йили»да халқ таълими ходимларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларнинг бажарилиши.

5. Республикамиз истиқлолидан кейинги даврда туман (шаҳар), вилоят халқ таълими ривожи, муаммолар, ечимлар.

6. Халқ таълимининг юқори ташкилот ва идоралардан келган директив ҳужжатлар ва кўрсатмаларнинг ижроси иштироки.

7. Мактабда ҳуқуқий ва иқтисодий таълим самарадорлигига эришиш йўллари.

8. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг туман (шаҳар), вилоят миқёсида бажарилиши.

9. Бошланғич синфларда янги ўзбек алифбосини жорий этишнинг илк натижалари.

10. Туман (шаҳар) мактабларини дастур, дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг аҳволи, янги ўқув йилидаги вазифалар.

11. Фанлар бўйича методбирлашмаларнинг иши ҳақида.

Маъруза матни олдиндан тайёрланиб, қуйидаги муаммоларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир:

1. Туман (шаҳар) ХТБси томонидан Президент Фармонлари ва фармойишлари, Республика Қонунлари, ҳуқуқий ҳужжатлар, Халқ таълими вазирлиги буйруқ ва кўрсатмаларининг бажарилиши.

2. Бир ўқув йили мобайнида туман (шаҳар), вилоят халқ таълими муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида эришган натижалари.

3. Болаларни мактабга тайёрлаш дастурининг бажарилиши.

4. Ўқувчиларга берилаётган фан асосларининг қай даражада ўзлаштирилаётгани, фанларнинг ўқитилиши юзасидан ишлаб чиқилган концепциялар талабларининг бажарилиши таҳлили.

5. Вилоят, туман (шаҳар), мактаблар ўртасида ўтказилган фан олимпиадалари якунлари.

6. Янги турдаги ўқув муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар. «Тажриба-синов майдонлари»га бир назар.

7. Мактабгача, мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг бир йиллик фаолиятлари якуни.

8. Мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини дарслик, дастур, методик қўлланмалар ва техник воситалари билан таъминлашнинг аҳволи.

9. 9-11-синф битирувчиларини ўқишга ва фойдали меҳнатга жалб қилишнинг аҳволи. Ёшлар ўртасида қонунбузарлик ҳолатларининг бир йиллик таҳлили.

10. Мактабларнинг оила, маҳалла, жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларининг аҳволи.

11. Жисмоний тарбия ва спортни, жумладан, теннис ва футболни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар.

12. Услубий ишларга (илғор тажрибаларни оммалаштириш, янги дарс шакллари ва ҳ. к) эътибор.

13. Халқ таълими муассасаларининг моддий-техник ҳолати:

14. Ўқув йили давомида фойдаланишга топширилган янги бинолари, олиб борилган капитал ва жорий таъмирлаш ишлари.

15. Бюджетдан ташқари ҳомийлар, маҳалла, ота-она жамоалари ёрдамида қўшимча маблағ яратиш тажрибалари.

16. Ёш мутахассисларга эътибор, уларни иш ва уй-жой билан таъминлаш масаласи.

Маъруза матнининг бир нусхаси ҳокимиятларга ва тегишли ташкилотлар эътиборига ҳавола этилади. Туман ҳокими юзага келган муаммоларни хал этиш бўйича тегишли муассасаларга ва ўз ходимлариги муддатини белгилаб аниқ кўрсатмалар бериш ва кейинроқ унинг ижросини текшириш орқали таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатади.

Туман (шаҳар) анъанавий Август кенгашлари шу жойдаги энг яхши деб топилган таълим муассасасининг илғор ва ижодкор ўқитувчилари, боғча тарбиячиларининг иш тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор бериши лозим. Бу тажрибалар алоҳида китобча, буклет, тавсиянома шаклида нашр этилиб, жойлардаги мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларга етказиб берилса айни муддао бўлур эди.

Шўъба (секция)лар ишини ташкил этишда вилоят ва шаҳар халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтларининг методистлари ўқитувчилар ва тарбиячиларни янги ўқув режалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари тўғрисидаги маълумотлар, битириш имтиҳонлари, тест-синовлари, вилоят ва Республика олимпиадаларининг якунлари билан таништирадилар. Ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятидаги айрим хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритадилар.

Туман (шаҳар) ларда ўтказиладиган шўъба йиғилишларига шу соҳада ишлайдиган барча мутахассислар таклиф этилади.

Ижодкор ўқитувчилар томонидан туман (шаҳар), вилоят тарихини, адабий муҳитини, миллий ва маданий қадриятларини ўрганиш борасида қилинган ишлар муҳокама этилади. Шу соҳаларда чоп этилган адабиётлардан дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда таълим-тарбия ишини ташкил этишда фойдаланиш услублари юзасидан тавсиялар берилади.

Охирги йилларда август кенгашлари Тошкент шаҳрида, вилоятлар миқёсида ўтказиб келинмоқда. Бу таълимнинг жойларда ривожланишига таъсирини ўтказмоқда.

Вилоят миқёсида ўтказиладиган Август кенгашларида таълим фаоллари ҳокимлик вакиллари, халқ таълими бошқармаси ходимлари, барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари ишлари, маълум ҳудуд миқёсида оммалаштирилган ижодкор ўқитувчилар, тадбиркор, ишбилармон таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, ҳомий ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этадилар.

Вилоят миқёсида таълим муассасаларининг бир йиллик иш фаолияти якунлари, режалар, муаммолар муҳокама этилади. Ишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган тадбирлар тасдиқланади ва барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига тарқатилади.

Ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашлари ялпи ва шўъба йиғилишларида 1997-98 ўқув йили давомида таълим-тарбия жараёнида қуйидаги масалаларни доимий суратда эътиборга олиш, бу талаб ва вазифаларга амал қилиш тавсия этилади:

— ўқувчи-ёшларда демократик ва инсонпарварлик фазилатларини шакллантириш, уларда иқтисодий ва ҳуқуқий тафаккурни ривожлантириш;

— ўқувчиларда ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, улуғ аждодларимиз меросига меҳр қўйиш, уни ўрганиш, ўз халқига, давлатига садоқат, унинг ҳимоясига доимо шай бўлиб туриш ҳиссиётларини, Ўзбекистон Республикаси рамзларига ҳурмат билан қараш, Узбекистон мадҳиясига, байроғига, гербига, Конституциясига садоқат руҳда тарбиялаш:

— бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлашга, халқ ҳунармандчилиги йўналишидаги касбларни ўргатишга эътиборни кучайтириш;

— ёшлар тарбиясида мактаб, оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

— таълим муассасалари фаолиятида ижодкорлик, ташаббускорлик фазилатларини қўллаб-қувватлаш жиҳатларини, фанлар бўйича диагностик таҳлилларни доимий суратда олиб бориш;

— ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш мақсадида тест-синов, рейтинг усулларини қўллаш тажрибасини кенгроқ риволантириш;

— ёш авлодни боғча ёшидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган Шарқ педагогикаси, умумбашарий қадриятлари асосида тарбиялаш;

— бозор муносабатларига утиш даврида ўқувчиларга маркетинг, менежмент, бизнес, тадбиркорлик, банк тизими каби иқтисодий билимларни кўпроқ беришни йўлга қўйиш:

— ўқув муассасаларида ва маҳаллаларда ҳуқуқий таълим-тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш;

— мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабларда болаларнинг хорижий тилларни мукаммал билиб олишлари, эркин мулоқот қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш;

— янги турдаги ўқув муассасаларини (лицей, гимназия, коллеж) ривожлантириш, фанлар чуқурлаштирилган дастур орқали ўрганиладиган мактаблар ва синфлар сонини кўпайтириш;

— Катталар таълим марказларида умумий ўрта маълумот бериш билан бирга маҳаллий шароит талаб қиладиган мутахассисларни тайёрлашга эришиш;

— ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш жиддий эътибор бериш;

— истеъдодли ва қобилиятли ёшларни аниқлаб, уларнинг келажакдаги ижодий юксалишига кўмаклашиш;

— ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи учун интиладиган муносиб оила соҳиби ва уй бекасига хос фазилатларни тарбиялаш:

— ўқувчиларда ўз хаттиҳаракатига масъулият билан қараш ҳиссини уйғотиш ва сингдириш.

Умуман халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашлари ҳар бир тарбиячи ва ўқитувчининг ҳаётида, иш фаолиятида муҳим ўрин тутадиган, ижобий ишларга бошлайдиган сезиларли воқеа бўлмоғи лозим.

СОВҒАГА КОМПЬЮТЕР СИНФИ

Бундан уч йил муқаддам Бўз тумани халқ таълими бўлими қошида Тест маркази ташкил қилинган эди. Бу ерда давлат Тест маркази тўмонидан чиқарилган ахборотномалар асосида ўқувчиларга Андижон давлат университети профессор ўқитувчилари дарс бериб келмоқдалар.

Ўтган ўқув йилида битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи 50 фоизга кўпайди. Андижон давлат университети, вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари билан келишилган шартнома асосида 100дан ортиқ ўқувчилар тест синовларига тайёрланмоқда.

Яқинда Андижон Давлат университети Бўз тумани халқ таълими бўлими Тест марказига тўлиқ компьютер синфи совға қилди.

Ўйлаймизки, бундай ҳамкорлик ўзининг ижобий натижаларини беради.

Ҳумоюн АКБАРОВ.

Taqriz

ЖАДИДЛАР ЯРАТГАН «ТАЪЗИРИ АДАБИЙ» ВА «ИБРАТХОНАЛАР»

Яқинда «Шарқ» нашриёти матбаа-концерни чоп этган тадқиқотчи олим, филология фанлари номзоди Шуҳрат Ризаев қаламига мансуб «Жадид драмаси» номли китоби асосан асрнинг бошида жадид боболаримиз томонидан яратилган «ибратхона»лар ва «таъзири адабий» ҳақидадир. «Ибратхона» ва «таъзири адабий» сўзларини ўқиб айримларда савол туғилиши табиий. Келинг, бу сўзлар маъносини яхши тушунмайдиган биродарларимиз эътиборига китоб муаллифининг тавсифини келтирамиз.

«Жадидлар театрни ибрат мактаби, ибратхона, драматургияни эса «таъзири адабий», деб тушунадилар ва фақат шу тушунчага қатъий амал қиладилар. Шу мақсадда саҳна асарларида бачкана, нораво қилиқлар, бепарда иборалар, тубан манзаралар бўлмаслиги учун курашдилар». (мазкур китоб, 133-бет).

Муаллиф тадқиқотини жадидлар яратган биринчи драма таҳлили билан эмас, кўҳна Туркистонда мавжуд бўлган томоша кўрсатишлар тарихидан бошлайди. У бу борада кўп манбалар йиғади, қиёслайди, лозим топилганда ўша манбалар муаллифлари билан баҳслашади, хулосалар ясайди. Китобнинг биринчи боби «Янги ўзбек драматургиясининг шаклланиш омиллари ва тарихий шароит» дея номланган бўлиб, унда театр санъати тарихининг 22 аср аввалдан бошлаб жадид драматургиясининг шаклланиш давригача бўлган ривожланиш сабаблари, тарихий ижтимоий шароитлар қаламга олинади. Тадқиқотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, муаллиф хоҳ халқ оғзаки ижодига ва ё оврупача театрнинг кириб келишига тўхталмасин, аввало тарихий шароитни пухта ўрганади. Бу эса мавжуд муҳит ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга олиб келади.

Жадидлар халқни маърифатли қилиш ва шу йўл орқали эзгуликка чиқиш ғоясини илгари суришган, унга амал қилишган. Бунда улар бир неча воситалардан фойдаланишган. Уларнинг биринчиси мактаблар ислоҳи бўлса, навбатдагилари кутубхоналарнинг очилиши, газета-журналларнинг чоп этилиши ва яна бир йўли ибратхоналар, улар учун ёзилган асарлардир. Муаллиф жадидларнинг мана шу таъсир йўлларни бирма-бир таҳлил қилади, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ишонарли мисолларда кўрсатиб беради.

Асарнинг иккинчи боби «Жадид драматургияси ва театр» мавзуига бағишланган. Бунда илк фикр Маҳмудҳужа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси ва Самарқанддаги театрчилик ҳаракати борасидадир.

Туркистонда жадидчилик асосчиларидан бири, муфти Маҳмудҳужа Беҳбудий 1911 йилда «Падаркуш ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли» номли пьесасини ёзган. Унинг тақдири ҳақида муаллиф шундай ёзади: **«Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечади. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги рус ғалабаси билан якунланиши 100 йиллигига бағишлаб, Тифлисдаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. «Матбуот ишлари Тифлис қўмитаси цензори рухсати билан Кавказ ўлкаси саҳналарида қўйиш мумкин» деган 1913 йил 23 март 19940-сон қарорига кўра, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилади» (53-бет).**

Мазкур кўчирма Туркистон зиёлиларининг нақадар исканжада яшаганидан бир мисол бўлса, иккинчидан, умуман «Падаркуш» асарининг ёзилиши ва чоп этилиши бўйича хилма-хил тахминларга якун ясайди. Чунки тадқиқотчи ҳар бир айтадиган хулосасини далиллар билан исботлаб берган.

«Падаркуш»нинг аҳамияти ҳақида эса муаллиф шундай ёзади: «Падаркуш» пьесасининг эълон қилиниши бу Беҳбудий ёки Самарқанд шаҳри зиёлилари учун аҳамиятли бир ҳодиса бўлмай, бутун Туркистонда ижтимоий — маданий ҳаётнинг янада жонланмоғи учун, театр ҳаваскорлари негизида янги-янги маърифатчи жамоалар майдонга келиши учун туртки бўлган (54-бет).

Асардан «Падаркуш»нинг илк бор ва ундан кейин саҳналарга қўйилиши, саҳналаштиришда эса озор, татар зиёлиларининг таъсири, шунингдек, ўз труппаларимиз ҳақида батафсил маълумот оласиз. Масалан, «Турон» биринчи ўзбек миллий театр группасига бир бўлим бағишланган.

Бизга маълум бўлган жиҳатларидан яна бири бу тадқиқотчининг ўша давр саҳна асарларини биринчи манбалар орқали ўрганганидир. Муаллиф ёзади: **«Биз турли архив ва фондларни ўрганиб, фақаттина 1911 — 1916 йиллар оралиғида яратилган саҳна асарларимизнинг ўттиздан ортиғини аниқлай олдик. Ҳали сана ва муаллифлари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаган яна талайгина театр рисолалари мавжуд. Сон салмоғининг ўзиёқ Туркистон маданий ҳаётида асримизнинг иккинчи ўн йиллиги театр ва драма соҳасида буюк кўтарилиш бўлганини англатади. Бу кўтарилишнинг, маънавий юксалишнинг ибтидосида эса Маҳмудҳўжа Беҳбудий ҳазратлари турибди» (131-бет).**

Кучирмадан яна бир ҳақиқат англашиладики, саҳна асари яратиш борасидаги илк иш Маҳмудҳужа Беҳбудийга («Падаркуш») тегишли эканлиги китобда ҳар томонлама асослаб берилган.

Муаллиф жадид драматургияси намуналарини тўплаб китобда берганлиги унинг ҳимматини янада оширади. Сиз унда Беҳбудийнинг «Падаркуш», Нусратулла Қудратулла, Ҳожи Муъиннинг «Тўй», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Абдулла Бадрийнинг «Жувонмарг», «Ахмоқ», Ҳожи Муъиннинг «Эски мактаб, янги мактаб», «Кукнори», «Мазлума хотун» каби асарларидан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Қисқача хулосамизнинг аввали шулки катта бир китобдаги маълумотларни кичик тақризда санаш мушкул. У барчага мулжалланган. Айниқса, жадидчилик билан шуғулланаётган илм аҳли учун аҳамияти катта. Қолаверса, ҳозир Узбекистоннинг янги тарихи ёзилаётган давр. Унда Шуҳрат Ризаевнинг ушбу тадқиқоти ҳам манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бу билан, тарихимиздаги жадид драматургиясига бағишланган бўшлиғи маълум маънода тўлади.

Қисқача мақоламизни эса муаллифнинг сўзи билан тугатишни лозим топдик: **«Театр — дунё, дунё эса томошахона. Саҳна айлангани каби дунё ҳам ҳамиша айлана ҳаракатда. Келажакни ўйлаган одам ўтмишни, кечмишни ўйлаши, бугунини ростлаши зарур. Келажак ўтмишдан бошланиши маълум гап. Мустақил давлат пойдеворини тиклар эканмиз, ўтмишдан, хусусан, яқин тарих — жадид боболаримиз сабоқларидан ибрат олмаслигимиз мумкин эмас. Улар ибрати қилган ишларида ва айтган сўзларида қолди. Уларнинг миллат ғамида айтган сўзлари, дарду изтироблари эса шеър бўлиб, ёлқинли мақолалар, миллий рўмон, ҳикоя бўлиб ва яна «театр рисолалари» деб аталмиш саҳна асарларида қолди».**

Ҳалим САЙИД.

КЕЛАЖАККА БЎЙЛАЁТГАНЛАР

(Боши 1-бетда).

юртларига талабалар қабул қилиш жараёнини андак кузатсак кифоя. Йилдан йилга такомиллашиб бораётган «қабул жараёни» бу йил яна бойиди, самарадорлик касб этди. Насиб бўлса, сентябрь ойидан бошлаб ўқув юртларимиз аудиторияларида давлат грантлари бўйича қабул қилинган 21 минг талабалар билан ёнма-ён яна шунча шартнома (контракт)лар асосида қабул қилинган ёшлар таҳсил олишади. Хўш, бу шартнома нима? Унинг моҳияти, аҳамияти нималардан иборат? Олий ўқув юртида ўқишга билими, иқтидори етарли бўлган абитуриентлар ўзлари истаган институт ёки университет билан шартнома тузадилар. Бу шартномага кўра бўлғуси талаба келишилган миқдордаги пулни ўзи танлаган олий ўқув юртига тўлаб, таҳсил олади. Бу пулни агар қурби етса бўлғуси талаба ўз чўнтагидан ёки ўзига ҳомийлик қилишни истаган бирор ташкилот, бирор корхона ҳисобидан тўлайди. Бунинг барчаси шартномада аниқ-тиниқ кўрсатилади. **Бироқ, шартнома тузиш «талабаликка қабул қилинди» деган маънони бермайди.** Шартномачилар ҳам белгиланган давлат тест синовларидан ўтадилар. Пуллик шартнома билан ўқишнинг моҳияти, аҳамияти шундан иборатки, бу усул бугунги бозор иқтисоди муносабатларига тўла жавоб беради. Мутахассисликка талабгор ўз ҳисобидан олий ўқув юртига мутахассис тайёрлаб бериш учун буюртма беради. Бу — келажакда тайёр мутахассиснинг мақсадини, иш жойини аниқ белгилайди. Шу пайтгача одат бўлиб қолган ҳол — қўлида диплому қаёққа боришини билмай юрган мутахассислар саргардонлигига чек қўяди.

Мана, айни кунда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига абитуриентлардан аризалар қабул қилиш қизғин давом этаяпти. Кузатишлар, таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, бу йил талабаликка талабгорлар бултургидан икки баробар кўп. Айниқса, Тошкент юридик институти, Тошкент Молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг қабул ҳайъатига абитуриентлар оқими кундан-кунга кўпаймоқда. Масалан, Тошкент давлат техника университетига ўтган йилнинг шу кунига қадар 900 дан зиёдроқ талабалар ариза берган бўлса, бу йил ўн беш кун ичида абитуриентлар сони 2,5 мингдан ошиб кетди. Тошкент Молия институтида, Тошкент Иқтисодиёт университетида ҳам ўтган йилнинг шу кунига қадар ҳужжат топширган абитуриентлардан бу йил айни кунгача ариза берган абитуриентлар сони ҳийла ортиқдир.

Контракт бўйича ўқиш истагини билдирганлар шу кунгача Тошкент Шарқшунослик институтида 300 тадан, Тошкент давлат техника университетида 500 тадан ошиб кетди.

Кузатишлар, таҳлиллар яна шу нарсани таъкидлаяптики, ёшларимизнинг аксарияти ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт йўналишларига мойиллик билдиришмоқда. Бу — яхши, албатта, аммо... юртимиз келажаги учун бошқа мутахассислар ҳам жуда зарур. Хусусан, педагогик кадрлар масаласини олайлик. Назаримда, ёшларимизда айнан шу мутахассисликларга қизиқиш, иштиёқ уйғотиш муҳимроқдек... Қолаверса, бу савобли ишдан юртсевар, элсевар сармоядорларимиз ҳам четда туришмаса нур устига аъло нур бўларди. Пуллик шартнома усули кенг қўлланилаётган бугунги кунда айнан шу сармоядор, «бели бақувват» ишбилармонларимиз ўз тумани, ўз маҳалласидаги мактаблар учун малакали педагог кадрлар тайёрлатиш учун педагогика олий ўқув юртлари билан шартномалар тузишса ғоят кўнгилли иш бўларди.

Ҳа, бугунги қизғин ислоҳатлар пайти. Бу ислоҳатлар инсон учун, инсон манфаатлари учундир. Лекин ислоҳатлар ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Унинг ижобий самарадорлиги учун абитуриент, талаба, профессор-ўқитувчи, қолаверса, бутун жамоатчилик юрт эртасини ўйлаб, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишлари зарур.

Лукмон БЎРИЕВ,
«Маърифат» мухбири.

Jurnallarning yangi sonlarida

«ХАЛҚ ТАЪЛИМИ»

Журналнинг янги сони босмадан чиқди. У педагогиканинг кўпгина соҳаларини қамраб олганлиги билан ўз обуначиларини хурсанд қилади.

Педагогика аслида ҳаёт, сизу бизни ўраб олган муҳит, қолаверса, жамиятимизга уйғун ва мос қарашлар. Ватан, унинг қадр-қиммати, бу туйғунинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўлиб-тошиб гапирмоқдамиз. Чунки бизнинг юртимиз, унинг эли мустақилликка эришиб, жаҳонга юз тутди.

«Халқ таълими» журналининг бу сонида педагогиканинг Ватан тушунчаси билан боғлиқ жиҳатлари қамраб олинган бир нечта мақолалар бор. Мана, улар: «Ватанпарварлик ҳис-туйғусини баҳолаш мезонлари», «Мақсадимиз — ватанпарвар авлодни тарбиялаш», «Миллий онг ва миллий ифтихор ўсишининг тарбиявий аҳамияти», «Истиқлол ва миллий анъаналар», «Ўзбек халқ достончилигида Ватан мадҳияси». Бу мақолаларни ўқисангиз мушоҳадангиз яна ҳам бойийди.

Тарбия қийин ва нозик жараён. Бу ҳақда алломалар, файласуфлар, пайғамбарлар бош қотиришган ва ҳозирда ҳам инсоният ҳаётини тарбиядан айрича тасаввур қилиш қийин. Журнал ўзининг ана шу мавзусига содиқ қолган ҳолда «Тарбияси «қийин» ўсмирлар билан ишлаш», «Маърифий меросимиз баркамол инсон тарбияси», «Маънавий-ахлоқий тарбияда реклама» каби ҳаётий, илмий кузатишлардан келиб чиқиб ёзилган мақолаларни чоп этган.

«Оилада низонинг келиб чиқишида етакчи» мақоласининг муаллифи Р. Самаров (Низомий номидаги ТДПИ тадқиқотчиси») гарчанд янги мавзуни кўтариб чиққан бўлса-да, унинг ёзганлари журналхонни эътиборсиз қолдирмайди. У ёзади: «Низонинг юзага келиши, давом этиши ва йўналиши кўп жиҳатдан уни келтириб чиқарган сабабларга боғлиқ. Оиланинг мустаҳкамлигини белгилайдиган ва шу билан бирга низо сабабларидан бири — бу оиладаги етакчилик масаласидир». Муаллиф хулоса чиқаради: ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ота-боболаримиз анъанасига қарши бормасдан, етакчилик эркак кишининг қўлида эканлигини тушунтириш керак бўлади.

«Халқ таълими» нинг қай бир саҳифасини очманг, мавзулар ранг-баранг ва маънавият билан узвий боғлиқ эканлигини англайсиз. Чиндан ҳам, педагогика — ҳаёт, ҳаёт эса маънавиятнинг ранг-баранг ва хилма-хил кўринишларидир.

Иссиқда саёз бўлса ҳам, сув яхши.

Xullas...

УЗОҚ УМР ГАРОВИ

соғлиқ, дейишса барча маъқуллаши аниқ гап. Бироқ манови маълумотлар кўпчиликни таажжублантирса ажабмас.

1960 йилнинг баҳорида, собиқ Шуролар Иттифоқида фазога парвоз қилиш учун йигирмага яқин мутлоқ соғлом ўчувчилар танлаб олинганди. Ўша терма жамоанинг кўпчилиги бахтсиз фалокатлар туфайли фожеали ҳалок бўлишди, қолганлари эса... 60 ёшга ҳам етмай қазо қилишди. Масалан, Анатолий Левченко 47 ёшида, Павел Беляев 45 ёшида, Борис Егоров 57 ёшида ёруғ дунё билан хайрлашганлар...

ЗАҲАРЛИ ПУЛЛАР

Литва марказий банкининг ертўласига кириш ҳаёт учун хавфли бўлиб қолди. Шу ерда сақланаётган, 1991-1992 йиллар зарб қилинган қиймати 500, 1000 литга тенг йирик қоғоз пуллардан заҳарли газ чиқмоқда. Энг ажабланарли жойи шундаки, бу пулларни шу пайтгача ҳеч ким ҳеч қачон муомалада кўрмаган. Бунинг сирини баъзи бир ҳукумат раҳбарларигина билишарди, холос. Ўша йирик пуллар тахлами машҳур бир Америка фирмаси томонидан зарб этилган бўлиб... ўта сифатсизлигидан ташқари аллақандай заҳарли моддалар аралашмасидан тайёрланганди. Буни ўз вақтида сезиб қолган Литва ҳукумати заҳарли пуллар тахламини ноилож банк ертўласига яшириб қўйишни буюрганди.

МАНА, СИЗГА РАҚОБАТ

Ока дарёси устидаги кўприкка ўрнатилган улкан реклама панноси йўқолиб қолди. Унда гўзал ялангоч қизнинг машҳур «Мальборо» сигаретини кўз-кўз қилиб тургани тасвирланганди. Энг қизиғи шундаки, ғоят баландликка ўрнатилган бу паннони фақатгина махсус кўтарма кранлар ёрдамидагина ечиб олиш мумкин эди. Кўпгина изқуварлар, бундай бемазагарчиликда реклама эгасига рақобатдаги бошқа бир карчалонларнинг қўли бор, дея тахмин қилишмоқда. Оббо, эринмаганлар-ей...

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ҚИММАТГА ТУШГАН ҚИЛИҚ

Спорт мухлисларининг севимли боксчисига айланган Майк Тайсон рақиби — Холифилднинг ўнг қулоғидан тишлаб олганидан сўнг боши ташвишдан чиқмай қолди. Ўйин қоидасини бузганликда айбланиб, бўш вақтларини томошабинлар орасида ўтказган Майкбой бу қилмиши учун 30 минг доллар жарима тўлаши керак бўлади.

ВАГИЗ ДИНАМОДА

Собиқ спартакчи Вагиз Хидятуллин бир неча мавсум Франция жамоаларида тўп сургач, Россияга қайтди. Россия матбуоти Вагизни Владикавказнинг «Спартак» жамоаси билан шартнома тузмоқчи деб ёзганди. Аммо у МДҲ чемпионлари кубоги баҳсларида Москва динамочилари сафида майдонга тушди.

ҚИЛМИШ ҚИДИРМИШ

Аргентинадаги машҳур «Бока Хуниорс» ишқибозлар клубини узоқ йиллар давомида бошқариб келган Хосе Баррита таъмагирлиги ва ноқонуний ташкилот тузганлиги учун суд ҳукмига биноан 13 йил қамоқ жазосига тортилди. Аргентинада айни пайтда 148 киши ўта «ишқибозлик» қурбони бўлишди.

КУТИЛМАГАН НАТИЖА

Олий табақа жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг ўн олтинчи тур учрашувлари ниҳоясига етди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Нефтчи» футболчиларини қабул қилди. Ўйин натижаси кутилмаган ҳисоб билан тугади. Учрашувда пахтакор футболчилари фарғоналикларни 2:1 ҳисобида мағлуб этишди. Тўпларни пахтакорчилардан Дилмурод Назаров, А. Акопянц, фарғоналиклардан эса Равшан Бозоровлар киритишди.

ТЎРТЛИГИМИЗ ТЎРТИНЧИ БЎЛИШДИ

Яқинда Эронда велопойга бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада 24 та давлатдан келган машҳур спортчилар иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида Андрей Тўйчиев, Сергей Крушевский, Дамир Эратов, Юрий Плюхинлардан иборат терма жамоамиз (4 км) тўртинчи ўринни эгаллашди.

ҚУТЛОВ

Муҳтарам Турсунбой ака НОРҚУЛОВ!

Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сиз халқ таълими тизимида 35 йилдан буён фаолият кўрсатиб, чорак аср давомида мактабга раҳбарлик қилиб келаяпсиз. Туман маорифчилари Сиз азиз ва муҳтарам устозни бу қутлуғ кунда муборакбод этиб, барча эзгу орзу-ниятларингизга етишингизни тилаймиз.

Мирзаобод туман халқ таълими бўлими, туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси

ҲИНД ЛАТИФАЛАРИ

— Мансабдан кетганимдан буён қўшниларимнинг ярмиси мен билан сурашмай қўйган, — деди бир идоранинг собиқ бошлиғи.

— Сурашадиганларичи?

— Сурашадиганлари ҳали ишдан бўшаганимдан бехабар.

***

Харидор аёл анчагача матолар дуконида сарийларни титкилаш билан овора бўлди. Тоқати тоқ бўлга сотувчи унга шундай деди:

— Биласизми, хоним, агар эрингиз шу қадар синчиклаб ўзига хотин танлаганда эди, шубҳасиз эрсиз қолиб кетардингиз.

***

Савдо-сотиқ фирмаларидан бирига ишга кираётган бир киши кадрлар бўлимида варақани тўлғазаётиб «Қамалганмисиз?» деган саволга «Йўқ» деб жавоб ёзибди. «Нима сабабдан?» деган кейинги саволга «Қулга тушмаганман» деб ёзиб қўйибди.

ПУЛ КЎНГИЛ ЭҲТИЁЖИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Шаҳар ҳаммани чексиз ташвишлар билан боғлаб қўйган. Тонг саҳардан кимдир бозорга, кимдир дуконга, кимдир ишга шошилади. Хуллас, ҳамма тирикчилик билан овора. Анвар ҳам ота-онаси қатори барвақт ўрнидан туриб чой ичишга одатланган. Кийинишда ҳам отаси билан тенг кийиниб олади-да, онасининг «ҳали мактабингга эрта» дейишига ҳам қарамай мактаби томон йўл олади. У мактаб дарвозасидан биринчи бўлиб ўзи кираётганлигини сезар ва ҳар доимгидек ўртоқларининг келишини кутиб турарди. Тўғри, ўқишлари жуда мақтагудек эмас, бироқ, хулқи, тартиби бинойидек. Унинг отаси — Шоди ака шофёр. Ҳамиша саҳарлаб ишга жўнайди, кеч қайтади, чарчайди. Ўғлининг баъзи-баъзидагина ўқишини сўрайди. Унда ҳам шунчаки гап йўғида, гап ўрнида. Бироқ унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб, огоҳлантириб туриши кунлик режага айланган. Бир куни Шоди ака ўғлига назар ташлар экан, бирдан хаёлига «уни ўзим билан олиб юрсамчи, ўқишга унча майли йўқ, яхшиси пул топишни ўргансин», деган фикр келиб, ўғлига юзланди:

— Ўғлим, мен билан бирга ишга борасанми? — дея сўради. Бу саволни сира кутмаган Анвар дадасига юзлаб, «нима, мен ҳам автобус ҳайдайманми», дегандай сирли боқди.

— Йўқ, ўғлим, сен автобус ҳайдамайсан, ёнимда юриб пул йиғасан, холос.

— Майли-ку, менинг дарсларим-чи, кейин ўқитувчим ҳам...

— Ҳечқиси йўқ, касалман дейсан, қолганини аянг ўзи тўғрилаб юборади.

Ҳаётга қизиқувчан, ҳамма нарсани кўргиси, билгиси келиб юрадиган Анварга бу жуда қизиқдек туюлди ва боришга рози бўлди. Шундай қилиб, ота-бола ўша куни бирга ишлашди. Шоди ака ҳар бир бекатда у эшик билан бу эшик орасида елиб-югуриб чарчаб қолган ўғлининг ҳолини кўриб, «ҳа болакай, ишлаш оғирмикан», деб қулди. «Лекин бунинг остида пул деган нарса бор, пулинг бўлса чарчоқ унутилади. Чўнтагингни кўрчи...» Анвар чўнтагидаги бир даста пулларни олиб дадасига кўрсатди. Шоди ака кўзлари толиқиб қолган, кичкинагина гавдаси билан бир сиқим пулни дунё топгандек ҳаяжон билан ушлаб турган ўғлининг ғуппайиб қолган сочини сийпаларкан, «ҳув анави ерда ҳар хил шоколадлар сотилади, борда ўзингга ёққанини олиб кел», дея рупарадаги дўкончани кўрсатди. Анвар югуриб бориб ўзи яхши кўрган шоколадни олиб келди. Ота-бола хурсанд бўлиб уйга қайтишди. Онаси чарчаб қолган ўғлини кўриб, «дадаси энди олиб борманг, ҳали у ёшлик қилади», дея койингандай бўлди.

«Эй, Раънохон, шу кунларда жуда ваҳимачи бўлиб кетяпсанми? Бугун чарчайди, эртага мослашади. Ҳозирги замонда пул топишни билган яшайди», дея кесатиқ аралаш жилмайди Шоди ака.

Эртаси куни Шоди ака ўғлига «Бугун ҳам шоколад еймизми», дея юзланди. Анвар отасини жуда яхши кўрар, унинг ҳар бир гапини икки қилмасликка ўрганиб қолгани учунми, ўз хоҳишига тескари бориб бўлса-да, «Майли ада», дея кийимларини кийишга тушди. Яна худди кечагидек узоқ йўл, ҳар хил одамлар, ҳар замонда йўлдан кўзини узмай кетаётган отасининг жилмайиб, қалай ишлар, дейиши... Хуллас, бир хил. Анвар ўйлагандек бу иш кеча ва бугун давом этмади. Бироз бўлса-да оромини топган Шоди ака ҳар куни Анварни олиб кетар, даромади ҳам бироз ошганди. У бўлмаган пайтда чарчаганиданми, ёки ҳар кунги иш жонига текканиданми бекатларга кўп тушмас, инсоф қилганлари эшик олдига келиб йўл ҳақини тўлаб кетарди. Энди эса Анвар бор, эшикнинг олдида туриб олади-да, тушаётганларнинг қўлига қараб туради. Лекин сал бўшроқ, ҳечқиси йўқ ўрганиб кетади.

Анвар илк кунлари жуда чарчади, бироқ «ада энди бормайман», дея олмади. Отасининг жаҳлини чиқариб қўйишдан қўрқди. Шу билан бирга, у шоколадни ҳам яхши кўрадида. Лекин у негадир синфдошларини, севган дарси — адабиётни соғингандек бўлди. Партадоши Ғузални бир ўзи ўтиргандир, дея эслаб қўйди. Бугун нечанчи кун, эртагачи... Ўз саволига жавоб тополмаган Анвар, эртага албатта мактабга борман, дея кунглидан ўтказди. Бироқ...

Эртаси куни ота-бола яна хурсанд бўлиб ишдан қайтаётиб, кўп шоколад олишди. Уйга киришаркан, остонада нималар биландир овора бўлиб юрган Раънони кўриб, Шоди ака «Буёққа бир қарачи, сенга ўғлинг шоколад олиб келди, ана кўрдингми топормон-тутармон бўлиб кетяпти», дея шодон кулди. «Нима дейсан онаси, булар шунча ўқигани, саводини чиқариб олди-ку. Узинг мактабда ишласанг, ўқишини тўғрилаб юборарсан». Онаси бу гапларни ҳазил деб билди шекилли, индамади. Тердан олачипор бўлиб қолган юзини юваётган Анвар, нима қилишини билмай адасига термулиб қолди. Унинг кўз узмай қараб туришини кўрган Шоди ака, хурсандлигидан деб билди шекилли, ўғлига қараб кўз қисиб қўйди.

Уз хонасига дам олиш учун кирган Анвар хали-ҳамон ўйини охирига етказолмаган, худди нимасинидир абадий йўқотиб қўйган одамдек олазарак ён атрофига қарарди. Бироқ ҳамма нарса жойида. Мурғаккина қалбида типирчилаётган, қаёққадир учиб кетгиси келаётган бир ҳис нима эканлигини англай олмас, англашга ақли ҳам етмас эди.

Эрталаб отаси билан ишга кетаётиб, Анвар онасининг сумкасига синф журналини солаётганини кўрдию ҳар куни ўқитувчиси столида турган журналга термулиб баҳо кўриши ва синфдошларига «сотиши» эсига тушиб кетди. Шу хаёллар билан манзилга етиб борганини ҳам сезмай қолди. Фақат отасининг «Йиқилиб тушасан», деган сўзини эшитиб оёқ остига кўз ташлади. Бир қадам олдинда турган тўнкага кўзи тушиб, болаларча қувноқлик билан сакраб ўтди. Отаси бошқарадиган автобус олдига келдида у ёқ-бу ёғини артди ва яна йўлга равона бўлди. Улар бу йўлдан кунига неча марта ўтганини аниқ билмайди. Кун ярмидан ошган, иссиқ ҳаммани нг жонига теккан. Анвар эса бу иссиқларга парво қилгиси келмас, асосан бугун қанча пул тушиши мумкин — шуни ўйлашга ҳаракат қиларди. Ахир отаси айтганидек, пул бўлса, ҳамма нарсани сотиб олса бўлади-ку. Шу пайт ўз ўйидан ўзи чўчиб тушди. Хаёлига башараси бошқачадек, катта беўхшов, ёшига муносиб бўлмаган соқол ўсиб чиққандек бўлиб юзини силади. Қўлларининг қизиб кетганидан худди пуллар ёниб кетаётгандек, шоша-пиша чўнтагига солди. Шунда қўллари қалтираб кетгандек бўлди. Бироқ болаларча бефарқлик яна уни ўз комига тортиб кетди. Навбатдаги бекатда шошиб тушиб, одамларнинг қўлига қараганича «йўл ҳақини тўлаб кетинг», дея қараб турганида азобданми ёки кексаликданми юзларини ўнқир-чўнқир ажинлар эгаллаган, худди бир нарса босиб тургандек букчайган елкали бир чол, қўлидаги ҳассаси хазон титаётгандек қалтираганча, тушиб келди-да, «Ҳой зумраша, нима қилиб юрибсан, мактабингга бормай», деб койиди. Чолнинг бақиришини эшитган Шоди ака шарт ўрнидан туриб, унинг ёнига келди-да «Сенинг нима ишинг бор, ҳассангни кўтариб юравермайсанми», дея ўғлининг ўрнига қўрс жавоб берди. Кўзлари ёниб, важоҳатдан қалтираётган чол шофёрга қараб: «Бу сенинг ўғлингми?» дея сўради. «Ҳа, менинг ўғлим», Шоди ака худди шу саволни йиллаб кутгандек чолнинг сўзи тугамасданоқ жавоб берди. Шунда чол ҳассасини қалтираганча даст кўтарди-да унга ўқталди: «Ҳой ахмоқ, тезда уни бу ишдан озод қил, мактабига жўнат, бўлмаса... бўлмаса... менинг бошимга тушган аянчли кулфат сенинг ҳам бошингга тушади. Ақлингни йиғиб иш қил. Ўғлингни пул қули қилма, шундай қилсанг бир куни у ҳам сени қул қилади... эшитиб ол, ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам... Ҳа, ҳа ана кўрасан ўз ўғлингга... ўзинг...» Чол сўзини тугатолмади. Бўғзига сўз билан бирга аллақандай алам тиқилди. Ўзини тутиб олиб сўзини топгунга қадар автобус ўрнидан жилди.

Воқеанинг гувоҳи бўлган йўловчилар бу ҳолатга ўзларига баҳо бера бошлашди. Кимдир чолнинг сўзларини маъқуллар, кимдир шофёрни оқлар, яна кимдир ёш болани ҳам ишга ўргатиш керак, дея баҳс юритар эди.

Ажаб уларнинг қайси бирининг гапи тўғри? Тирикчилик деб болаларни пул топишга ундасак, унда уларнинг ширин болалиги қаерда қолади? Ҳаёт ташвишларидан улар эрта безиб қолмасмикин? Қолаверса, турмуш чигалликларини ечмоқ учун уларга ҳали кўп зарур бўладиган тарбия, билим, идрок, ақлни қаердан топишади? Бозорданми, ёки...

Тўғри, яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхшироқ. Бироқ, беғубор болаликни, масъум кўнгилни пулга топиб бўларканми? Пул кўнгил эҳтиёжи бўла олармикин, болалик завқини бера олармикан?..

Фотима ИСЛОМ қизи.

Afsus

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КОЛЛЕЖИ

1997—1998-ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1. КУНДУЗГИ БЎЛИМ

9-синф маълумоти билан:

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш (ўзбек тилида)
2. Бухгалтерия ҳисоби (ўзбек тилида)
3. Бино ва иншоотларни қуриш, улардан фойдаланиш (ўзбек тилида)
4. Тижорат фаолияти (рус тилида)
5. Меъморчилик (рус тилида)

9-синф маълумоти билан ўқишга кирувчилар математика (оғзаки), она тили (диктант) фанидан имтиҳон топширишади. Меъморчилик бўлимига кирувчилар эса расмдан қўшимча имтиҳон топширишади.

11-синф маълумоти билан:

1. Бино ва иншоотларнинг электромеханик ускуналари ва автоматика қурилмаларини ишлатиш (ўзбек тилида).
2. Газ таъминоти ускуналаридан фойдаланиш (ўзбек ва рус тилларида).
3. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш (ўзбек ва рус тилларида). 4. Ёғочга ишлов бериш технологияси (ўзбек ва рус тилларида).

11-синф маълумоти билан ўқишга кирувчилар тест синовларидан ўтишади.

II. КЕЧКИ БЎЛИМ (Ғазалкент шаҳрида)

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш. (9-синф маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.
2. Бухгалтерия ҳисоби (ўзбек тилида). (9-синф маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.
3. Бино, иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш. (11-синф маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.

III. СИРТҚИ БЎЛИМ.

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш. (11-синф маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.
2. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш. (11-синф маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.
3. Ёғочга ишлов бериш технологияси (11-синф маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.
4. Бухгалтерия ҳисоби. (9-синф маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.

Ўқишга 9 ва 11-синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Коллеж ўзининг етук малакали ўқитувчилари, моддий техник базаси, замонавий компьютерлар билан жиҳозланиши, ўқитишнинг замонавий услубларининг қўлланилиши ва етиштирадиган мутахассисларининг юқори савияси бўйича Республикамизда етакчи ўринларда туради. Келгусида коллежда аъло баҳоларга ўқиган иқтидорли ўқувчилардан сараланиб қисқа муддатли модулли ўқитиш орқали уларга қўшимча «юрист, иқтисодчи, молиячи» мутахассислари берилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй. Тел: 44-24-42, 44-61-80. Барча турдаги транспортларнинг «Ҳамза» театри бекати.

ЭЪЛОНЛАР

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томонидан 1991 йилда Хайитова Фарида Собитовна номига берилган УВ-1 № 039853 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 1990 йилда Муродов Равшан Йўлдошевич номига берилган Б-857224 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 1996 йилда Бозорова Севара Абдурасуловна номига берилган 031874 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, физика-математика бўлими бошлиғи З. Якубовага акаси

Абдуқодир ЯКУБОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ҳамда табиёт-география факультети жамоаси «Биология ва уни ўқитиш методикаси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Иброҳимжон Азимовга онаси

Соттиҳон ая АЗИМОВАнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти педагогика билим юрти жамоаси сиртқи бўлим мудири С. ЯКУБОВАга турмуш ўртоғи

Абдуқодир ЯКУБОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Лукмон БУРИЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0451. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.